ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

32
(1142)
8-avgust
2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz
1992-yil martdan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

BePro билан профессионаллик сари

ёки Ёш дастурчилар учун кенг имкониятлар

Ким эдигу ким бўлдик?

Ўзбекистон АКТ бозорида 2004 йилдан бўён фаолият кўрсатиб келаётган "BePro" дастурчилар маркази соҳада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. У дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, маҳаллий тармоқларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, йўлга қўйиш ва таъмирлаш, шунингдек, профессионал IT-таълими хизматларини кўрсатмоқда.

Миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар фаолиятини рағбатлантириш, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидандир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Натижада Ўзбекистон дастурчиларининг интеллектуал салоҳияти ошмоқда, миллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар сони тобора кўпайиб, мамлакатимизда ишлаб чиқилган дастурий таъминот билан қамраб олиш кўлами кенгаймоқда.

3-бет

УШБУ СОНДА:

Universal Mobile Systems қўшма корхонаси тузилди 2
Microsoft Office: 25 йил 4
Истиқлол берган имкониятлар 5
Центру UZINFOCOM 12 лет 6
Асрий орзулар рўёби 8-9
Ўзбек телевидениесининг отахони 10
Теледастурлар, спорт, кроссворд

Сўнгги янгилик!



Массачусетс технология институти, Microsoft ва Adobe компаниялари қўшма тадқиқот гуруҳи "визуал микрофон" алгоритмини ишлаб чиқди.

Бу тизимнинг моҳияти шундаки, у тасвирдаги объектлар вибрациясини таҳлил қилган ҳолда, овозсиз ёзилган видеодан (масалан, кузатув камераларидан) аудиомаълумотларни ажратиб беради.

"Товуш оддий кўзга кўринмайдиган жуда кучсиз визуал сигналлар ҳосил қилиши натижасида объектларда тебраниш ҳосил бўлади — бу ҳодиса видеотасвирдаги овозни тиклашга ёрдам беради", — дейди лойиҳа иштирокчиси, MIT аспиранти Эйби Дэвис.

Jumadan Jumagacha

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 август куни Оқсаройда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Тошимицу Мотэгини қабул қилди. Учрашувда энергетика, нефт-газ, кимё ва кон саноати, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Япония делегацияси таркибида "Иточу", "Мицубиси", "Марубени", "ЖОГМЕК", "НЭК" каби етакчи компаниялар вакиллари мамлакатимизга ташриф буюргани ва ушбу ташриф доирасида қўшма бизнес-форум ўтказилиши мамнуният билан қайд этилди.**

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

● **Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган "Келажаги буюк соғлом авлод" биринчи республика танлови ғолибларига сертификатлар топширилди.**

● Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун" мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган долзарб вазифалар ижроси муҳокама этилди.

● **Термиз ва Нукус шаҳарларида сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлган сайловларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ушбу сиёсий жараёнга тайёргарлик, номзодлар ва сиёсий партияларга яратилган тенг шароитлар, сайловларнинг умумэътироф этилган демократик тамойилларга асослангани ҳақида холис ахборотни кенг оммага етказишдек муҳим жиҳатлар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси ва "МТС" ОАЖ ўртасида Келишув битими имзоланди

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия ва МДҲ мамлакатларида етакчи телекоммуникация оператори "Мобильные ТелеСистемы" ОАЖ (Россия Федерацияси) ўртасида Келишув битими имзоланди, унга мувофиқ, қўшма корхона тузиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи "МТС" ОАЖнинг фаолиятини янгилаш режалаштирилмоқда.

Имзоланган Келишув битими янги қўшма корхона (оператор) ташкил этишни назарда тутиб, унда МТС устав капиталининг 50,01 фоизи миқдоридаги улушни олади, қолган 49,99 фоиз улуш Давлат алоқа қўмитаси қошидаги давлат унитар корхонасига тегишли бўлади. Қўшма корхона фаолиятини унга топширилган, аввал "Ўздунробита" МЧЖ ХКга тегишли бўлган мулк, қурилма ва инфратузилма негизида амалга оширади.

Томонлар яқин муддатда Келишувда назарда тутилган барча тадбирларни тугаллашни ва 2014 йилнинг охиригача мобил алоқа тармоғини ишга туширишни режалаштирмоқда.

Келишув битимига мувофиқ, операторга 2G/3G/LTE лицензиялари, зарур бўлган частота диапазони, рақамлар сиғими тақдим этилади, алоқа каналлари ижараси таъминланади, Ўзбекистонда тўлиқ фаолият юритиш учун зарур бўлган барча рухсатномалар берилади.

Келишув битими шартларини бажариш ва МТСнинг қўшма корхона иштирокчилари таркиби доирасида МТС ва Ўзбекистон Республикаси биргаликда Жаҳон банки ҳузуридаги инвестицион низоларни бартараф этиш Халқаро маркази (ICSID)га текшириш ишини тўхтатиш тўғрисида ариза йўллашади.

Келишув битими Инглиз ҳуқуқи асосида тартибга солинади ва томонларнинг битта келишувдан келиб чиқадиган барча низолар Париж шаҳрида Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро арбитраж (ICC)да кўриб чиқилишини назарда тутади.

UNIVERSAL MOBILE SYSTEMS ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг "Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича Universal Mobile Systems қўшма корхонасини тузиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланишича, қўшма корхона 1 ноябрга қадар техник, 1 декабрга қадар тижорий эксплуатацияни амалга оширади.

UMS (Universal Mobile Systems) — Ўзбекистон ва "МТС" ўртасида тузиладиган қўшма корхонанинг номи бўлиб, уни тузиш ишлари 15 августгача, қўшма корхонани рўйхатга олиш ишлари эса 25 сентябрга қадар тугалланиши кутилмоқда.

Байрамга атаб

Сурхондарё вилояти алоқа корхоналарида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Термиз олимпия захиралари коллежида бўлган беллашувда соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг маҳоратли вакиллари спортнинг стол тенниси тури бўйича ўзаро баҳслашишди. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг кўчма соврини учун истиқлол байрамига бағишлаб ўтказилган мусобақанинг вилоят босқичида энг яхши теннисчилар аниқланди. Радиотелевидение узатиш маркази мутахассиси Отабек Шарипов, ОАТ "Алоқабанк" филиали ходими Замира Раҳмонқулова, Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази етакчи мутахассиси Елена Усмоноваларга фахрий ўринлар насиб этди. Уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Қулмурод ҚУЛСАХАТОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Сурхондарё филиали БКУҚ раиси

Истиқлол солномаси

1997 йил

Шу йилнинг 23 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур фармонга кўра, Ўзбекистон алоқа вазирлиги негизида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинди.

Транс-Осиё-Европа (ТОЕ) халқаро алоқа кабел магистралининг республикамиз ҳудудидаги қурилиши ниҳоясига етди. Ўзбекистон ҳудудида 18 ой мобайнида 926 км. масофага оптик толали кабел ётқизилди.

1998 йил

Ўзбекистон Республикасининг халқаро телефон коди "998" амалга киритилди.

Шу йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

1998 йили алоқа корхоналари томонидан 24,5 млрд. сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди, шундан аҳолига 6,6 млрд. сўмлик алоқа хизмати тақдим этилди.

BePro билан профессионаллик сари

1-бет

ёки Ёш дастурчилар учун кенг имкониятлар

Дастур тузиш ҳам ижодкорликдир

Бугунги кунда марказ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўнлаб дастурий маҳсулотлар турли вазирлик ва идоралар, давлат ҳамда жамоат ташкилотларида муваффақиятли қўлланилмоқда. Транспорт воситаларини назорат қилиш ва автопарклари бошқаришга имкон берувчи UzGPS ҳаракатланувчи жисмлар мониторинги тизими, Хоразм вилоятининг сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган веб ва мобил илова, мамлакатимиздаги илк "Doppix" амалий тизими, бухгалтерия ва кадрлар бўлими ишини автоматлаштириш учун мўлжалланган "1UZ", объектларга ташриф буюрувчиларни рўйхатга ва ҳисобга олиш, назорат қилиш учун мўлжалланган "BuyurtmaData", суғурта компанияларида иш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган "SugurtaData" ва бошқа дастурлар шулар жумласидандир.

Дастур тузувчи ҳам ўзига хос салоҳиятга эга ижодкор. Бу касб эгаларининг ҳар бири берилган вазифага ўзгача, ижодий ёндашади. Шундай бўлсада, "BePro" дастурчилар маркази аҳил жамоа ташкил этишга муваффақ бўлди ва мамлакатимиз дастурий таъминот воситалари бозорида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жадал ривожланиш жараёнида ҳозирги кунда марказдан ўз фаолият йўналишларига эга бўлган ташкилотлар ажралиб чиқди. Улар биргаликда фаолият юритиб, ягона IT мутахассисларини тайёрловчи, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, дизайн ва инновация тадқиқотларини ижро этувчи тизим — IT-инкубаторни ташкил этишади. Марказ ўқитувчи ва мутахассисларининг юқори даражадаги малакаси халқаро IT-компанияларнинг сертификатлари ҳамда жамоа қўлга киритган қатор ютуқларда кўринади.

Муваффақиятли ўн йил

Жорий йилда "BePro" дастурчилар маркази фаолият бошлаганига ўн йил тўлди. 2004 йилда "Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш" номи билан ташкил қилинган ушбу марказ ўтган йили ўз брендини "BePro" номига ўзгартирди. Марказнинг корпоратив белгиси минимал услубда ишлаб чиқилган бўлиб, у "Be professional" сўзларининг бош ҳарфларидан иборат ва "Профессионал бўл" маъносини англатади. Марказ логотипи ҳам, матбаа маҳсулотларини безаш ҳам янгиланди. Ўз навбатида, интернетда bepro.uz манзили бўйича янги сайт иш бошлади ҳамда юқорида қайд этилган корпоратив ранглар асосида ишлаб чиқилди. Сайтнинг функционал хусусиятлари ошиб, фойдаланиш учун қулай ҳолатга келтирилди, кўплаб фойдали маълумотлар ушбу сайтга жойлаштирилди.

Марказ бош директори Абдувоитжон Гафуровнинг таъкидлашича, марказнинг ўз имижини ўзгартириши ташкилотнинг тобора ривожланиши билан боғлиқдир. Ушбу ўзгаришларнинг асосий мақсади эса ахборот технологиялари соҳасига янги корхона, маҳсулот ва хизматларни жалб этишдан иборатдир.

Мақсад — ёшларни қўллаб-қувватлаш

Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларида ҳудудий филиалларига эга ушбу компания ўтган йиллар мобайнида дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқишда салмоқли натижаларга эришди. "BePro" дастурчилар маркази Президентимизнинг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил қилинган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрига киритилган. Истиқболли лойиҳалар ва инновацион компьютер технологиялари яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш реестрнинг асосий вазифаларидандир.

Ахборот-кутубхона тизими лойиҳаси менежери Ойдин РУСТАМОВА машғулот пайтида.

Марказ турли соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшиб келяпти.

Ғайрат ва шижоат ютуғи

Бугунги кунда компаниянинг дастурчилар жамоаси эллик нафар мутахассисдан иборат бўлиб, улар ўз ишини пухта ўзлаштирган юқори малакали ёшлардир. Улар Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш, кутубхона, бухгалтерия, статистика ҳисоботини юритиш учун дастурлар ишлаб чиқиб, Doppix амалий тизимини янада такомиллаштиришди.

Ҳозирда марказ дастурчилари яна бир улкан аҳамиятга молик лойиҳа — транспорт воситаларини назорат қилиш ва автопарклари бошқаришга имкон берувчи UzGPS ҳаракатланувчи жисмлар мониторинги тизимини ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этиш устида ишламоқдалар. Мазкур тизим корхона ёки жисмоний шахсларга ўз транспорти устидан доимий назорат ўрнатишларига, автотранспортнинг мақсадсиз фойдаланилишини аниқлаш ва бартараф этишга, бу орқали эса ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имконият беради. Транспорт устидан ўрнатилган доимий назорат туфайли, маблағ ва вақтни тежаш, ҳайдовчиларнинг интизомини кучайтириш, қатнов йўлини мақбуллаштириш, шунингдек, автомобил ўғирланишининг олдини олишга эришиш мумкин. UzGPS тизимининг яна бир эътиборли жиҳати, унинг ёрдамида ота-оналар ўз фарзандларининг хавфсизлигини таъминлашлари мумкин, яъни боланинг қаердалиги ҳақидаги маълумот SMS орқали олинади. Хизмат, шунингдек, кекса ёшдаги инсонларнинг ҳаракатланишини кузатиш ёки йўқолган буюмларни топиш борасида ҳам асқотади.

"KaDaTa" ахборот тизими

— Кутубхона нафақат китоблар сақланадиган жой, балки хизмат кўрсатиш соҳасидаги муҳим субъект ҳамдир, — дейди тизим муаллифларидан бири Хуршид Шарофиддинов. — Ҳар куни миллионлаб кишилар зарур адабиётни сўраб, кутубхонага мурожаат қилади. Технологик тараққиёт инсон ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилиши лозим. Биз, ёш дастурчилар ушбу ғоя асосида "KaDaTa" тизимини ишлаб чиқдик. Бу тизим керакли китобларни тез топишга ёрдам беради, навбатда туриб қолиш ва хатога йўл қўйилишининг олдини олади, ҳар икки томоннинг вақтини тежайди.

Ёш мутахассисларнинг бундай ютуқлари эътиборга лойиқдир. Бунинг самарасида мамлакатимизда "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланган "UZMARC" каталоглаштириш форматидаги ягона миллий стандартга асосланган дастлабки ишланма пайдо бўлди.

> Ўтган йиллар мобайнида махсус ўқув марказида етти мингдан ортиқ киши ўқитилди, мингдан ортиқ киши "Prometric" ва "Pearson VUE" халқаро тест тизимлари асосида махсус сертификатларга эга бўлди.

> Автоматлаштирилган "KaDaTa" ахборот тизимидан бугун уч юздан ортиқ кутубхоналар фойдаланмоқда.

"BePro" мутахассислари, "KaDaTa"дан ташқари, кўплаб кутубхона дастурий маҳсулотларини ҳам ишлаб чиққан. Пулли хизматларни ҳисобга оладиган автоматлаштирилган тизим, халқаро стандарт рақамлар ва кутубхона идентификация кодларини бериш бўйича дастурий комплекс, Миллий кутубхона ахборот-кутубхона ресурсларининг электрон каталоги, Диссертация ва илмий ишлар ягона базаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси аудио нашрлари маълумотларининг миллий базаси тизимини яратиш имконини берадиган дастурий маҳсулот шулар жумласидан. Мазкур дастурларнинг барчаси Миллий кутубхонада синовдан ўтказилиб, мамлакатимиздаги бошқа муассасаларда ҳам фойдаланиш учун тавсия этилди.

— Дастурчиларимизнинг кутубхона соҳасидаги ишланмалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда, — дейди "BePro" марказининг лойиҳа менежери Ойдин Рустамова. — Менимча, ҳар бир лойиҳа устида аҳиллик билан тез ва самарали ишлайдиган ёш кадрларни танлаш ва жамоани шакллантириш бу ютуқларнинг муҳим омилидир. Масалан, ахборот-кутубхона тузилмалари учун дастурлар янгича фикрлайдиган бир гуруҳ ёш мутахассислар томонидан яратилди. Гуруҳдаги дастурчилар, дизайнерлар ва лойиҳа менежерлари ҳамда махсус жалб этилган кутубхона мутахассисининг бир ёқдан бош чиқариб ишлаши самарасида сифатли дастурлар яратилди, машаққатли меҳнатни қизиқарли ижодий жараёнга айлантирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори "BePro" маркази ёш дастурчилари томонидан мамлакатимизда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш борасида эришилаётган натижаларни янада яхшилаши шубҳасиз. Зеро, бу ёш авлод, жумладан, ёш дастурчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

Биринчи ярим йилликда кичик корхоналарнинг 98 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширди.

Xalqaro hayot

● **ЖАҲОН БАНКИ Ғарбий Африкада кенг тарқалган "Эбола" эпидемиясига қарши курашиш учун 200 миллион доллар миқдорида маблағ ажратди. Мазкур маблағни Гвинея, Либерия ва Серра-Леоне давлатлари олади. Ажратилган маблағ эпидемиянинг иқтисодий оқибатларини бартараф этиш ва маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга йўналтирилади.**

Маълумки, Ғарбий Африка мамлакатларида "Эбола" вирусидан оммавий зарарланиш оқибатида ҳозиргача қарийб 900 нафар одам вафот этган. ЖССТ мутахассислари мазкур вирус қайд этилган 1976 йилдан буён ҳозирда юз берган кескин зарарланиш энг кучлиси бўлганини таъкидламоқда.

АҚШ президенти Барак Обама фаолиятини маъқуллаш рейтинги 40 фоизгача тушиб кетди, бу июн ойидаги кўрсаткичдан 1 фоизга кам бўлиб, янги аксилрекорд ҳисобланади. Сўралганларнинг 57 фоизи Обама фаолиятидан мамнун эмаслигини, норозилик намойишига чиқишга тайёр эканини билдирди. Иштирокчилар томонидан айтилган талаблар орасида Обамага импичмент, чегараларни ёпиш, Украина ва Ғазо секторида одамларни бомбардимон қилишни тўхтатиш бор.

Президентнинг ташқи сиёсатини бор-йўғи 36 фоиз америкаликлар қўллаб-қувватлайди.

ШОТЛАНДИЯнинг Буюк Британиядан чиқиб кетиши тўғрисидаги референдум 18 сентябр куни бўлиб ўтиши белгиланди.

Ҳозирга келиб, ижтимоий сўровномалар шотландияликларнинг 40 фоизи мустақил бўлишни истаётгани, 54 фоизи қўшма қироллик сафида қолишини, қолган 6 фоизи эса ҳали бир қарорга келмаганини кўрсатмоқда. Шотландия бош вазири мамлакат бемалол ўзини ўзи эплай олишини айтмоқда. Британия ҳукумати эса Шотландия парламентига қўшимча ваколатлар ваъда қилмоқда.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ директорлар кенгаши Грузияни уч йил давомида қўллаб-қувватлашга қаратилган 154 млн. долларлик кредит дастурини тасдиқлади. Мазкур кредитларнинг қандай шартлар асосида тақдим этилаётгани ҳозирча номаълум.

ХВФнинг маълум қилишича, Тбилиси фонд маблағларининг 62 млн. долларига тез орада эга бўлади. Кредитнинг қолган қисми, дастур шартларига кўра, босқичма-босқич ўтказилади.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ Сурия билан чегарада жангариларга қарши курашаётган Ливан армияси учун бир миллиард доллар ажратди. Бу ҳақда Ливан собиқ бош вазири Саад Ҳариирий баёнот берган.

Ливан армияси ва "Жавҳат ан-Нусра", "Ислом давлати" каби гуруҳлар ўртасидаги жанглар 2 август куни ҳарбийлар Эрсал туманида "Нусра"нинг бир нечта тарафдорларини ҳибсга олганидан сўнг бошланиб кетди. Исломийлар блокпостларга ҳужум қилиб, Эрсалга бостириб кирди, бироқ армия уларнинг ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди.

БАНГЛАДЕШдаги Падма дарёсида бортида 200 нафардан ортиқ йўловчи бўлган кема ағдарилиб кетди. Ҳалокат оқибатида юзлаб кишилар бедарак йўқолган, 110 киши қутқариб олинган.

Ҳалокат вақтида кемада меъёрдан ортиқ юк бўлгани аниқланган. Полиция вакилининг сўзларига кўра, қутқарув ишлари давом этмоқда. Ҳалок бўлганлар сони аниқ айтилмаган.

Microsoft Office: 25 йил

Microsoft компанияси 1989 йилнинг август ойида тўртта офис дастури (Microsoft Word — матн муҳаррири, Microsoft Excel — жадваллар билаш ишловчи илова, Microsoft PowerPoint — тақдимотлар билан ишловчи илова ҳамда Microsoft Mail почта сервиси) жамланмаси — Microsoft Office CD пакети тақдимотини ўтказганди.

Мана шу ўтган чорак асрлик давр чин маънода Microsoft Officeни барча жабҳаларда оммавий иш қуролига айлантирди. Бугунги кунда бу дастурий мажмуа дунёнинг 125 мамлакатида сотилмоқда ёки сайёрамизда яшовчи ҳар еттинчи инсон ундан ишда ва хонадонида фойдаланяпти.

Android-қурилмалар мобил трафиги – энг юқори

NetMarketShare маълумотларида келтирилишича, 2014 йил июл ойида Android-қурилмалар мобил трафиги илк маротаба iOS амалий тизимида ишловчи қурилмаларникидан юқорилади. Бу икки энг оммалашган тизимнинг жаҳон мобил трафигидаги умумий улуши 89 фоиз бўлиб, мос равишда Android — 44,62 фоиз, iOS — 44,19 фоизлик тақсимотга эга.

Етакчилардан анча ортда қолаётган Java Менинг бу борадаги уруши 4,19 фоизга тенг бўлиб ҳозирча учинчи поғонани банд этган, кейинги ўринларда: Symbian (2,57 фоиз), Windows Phone (2,49 фоиз) ва BlackBerry (1,21 фоиз).



Маълумотлар 43 Тб/с. тезликда узатилди

Дания техника университетининг фотон технологиялари муҳандислари бундай суръатга кучайтирилган оптик тола, яъни Японияннинг NTT оператори чиқараётган етти шиша ипли оптик тола воситасида эришишди. Олдинги рекорд Германиянинг Карлсруэ технология институтига тегишли эди — бир сонияда 11 терабит.

Лойиҳа муаллифлари бу усул электр энергиясини иқтисод қилиш билан бирга, ускуна ва тармоқларни замонавийлаштиришга кетадиган харажатларни тежашини таъкидлашган.

FAKT

*Дунёда энг фаол ишлатилаётган мобил браузер — Safari

*Жаҳон бўйича шахсий компютерларда энг кўп қўлланилаётган браузер — Microsoft Internet Explorer (58 фоиз)

Яримўтказгичлар: тарихий натижа

Шу соҳанинг нуфузли ташкилоти — Semiconductor Industry Association (SIA) хабарига кўра, жорий йил иккинчи чорагида соҳа ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотлари савдосидан 82,7 млрд. доллар даромад олганлар, бу ўтган йилнинг шу давридагидан 10 фоиз кўп ёки статистика юритила бошлангандан буён кузатилган энг юқори кўрсаткичдир. Умуман олганда, ўтган йили яримўтказгичлар савдоси жами 305,6 млрд. долларни ташкил этган.

Интернетдаги хостлар сони миллиардга яқинлашмоқда

Netcraft аналитик компанияси интернетда ишлаётган сайт ва блоглар ҳақидаги 31 июлгача бўлган ҳисоботини маълум қилди. Бунга кўра, глобал тармоқда ҳозир 996 106 380та веб-сайт ишлаб турибди. 2014 йил июн-июл ойларида хостлар статистикаси қуйидагича кўриниш олди:

Ишланма	2014 й.июн	Улуши	2014 й.июл	Улуши	Ўзгариш
Microsoft	352,208,487	36.35%	373,869,026	37.53%	1.18
Apache	353,672,431	36.50%	345,921,550	34.73%	-1.78
nginx	133,763,494	13.81%	141,041,852	14.16%	0.35
Google	20,192,595	2.08%	20,511,505	2.06%	-0.02

WhatsAppнинг ақлли соатлар учун мўлжалланган талқинида овозли хабар жўнатиш мумкин.

Ахборот технологиялари тезкорлик билан ривожланаётган ҳозирги пайтда замонавий ахборот узатиш ва қабул қилиш тизимлари қанчалар катта аҳамият касб этаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахборот технологиялари ва тармоқлари ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган тармоқ ходимлари борки, улар мамлакатимиз алоқа қудратини жипслаштиришда улкан ишларни амалга ошириб келишмоқда. Соҳадаги узоқ йиллик тарихга эга корхоналар кўп – "Ўзбектелеком"АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали ана шулардан биридир.

"Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали:

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

Мазкур филиал ташкил топганига 50 йилдан ошди. Ярим аср давомида корхонанинг номи бир неча марта ўзгарди, лекин қайси ном остида бўлишига қарамай, ривожланишда, кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш учун изланишда давом этди. "Ўзбектелеком" АК-нинг 2011 йил 3 июндаги 234-буйруғи билан "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали номи "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалига ўзгартирилди.

Тарихга бир назар

Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам ўтмиш билан ҳозирги давр солиштирилганда қўлга киритилган ютуқлар бутун бўйбасти билан намоён бўлади. Ана шундай таққосдан сўнг филиалда истиқлол йилларида амалга оширилган залворли ишлар яққол кўзга кўринди-қолди:

Ўзбекистон Республикаси аввалларидан ташқи олам билан фақат шимолий йўналишдаги ягона уч каналли узатиш тизими билан осма йўл орқали боғланар эди. Ушбу алоқа линиялари асосан давлат манфаатига, бошқарув тизимлари, мудофаа ва хавфсизлик тизимларига хизмат қилар эди, холос. Шахсий мулоқот учун ахборот узатиш воситалари етарли эмасди. Биргина ўзгариш: республикада қўл билан уловчи коммутаторлар ўрнини автомат телефон станция (АТС)лар эгаллай бошлади ва мамлакат телефон тармоғи барпо этилди. Мустақилликка бўлган даврда республикамизда техник ва иқтисодий имкониятлар ана шу даражада эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатдаги алоқа тизимида кескин ўзгаришлар рўй берди. Республикадаги мавжуд барча алоқа тармоқлари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, кейинчалик Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) тепарагида жипслашдилар. Соҳага жадал суръатлар билан чет эл инвестициялари кириб кела бошлади. Японияннинг "NEC", "Fujicura" (оптик толали алоқа кабеллари), Германиянинг "Siemens" (станциялараро алоқа ускуналари), Хитойнинг "Huawei" ва "ZTE" (станциялараро алоқа ускуналари) республика алоқа тизимларида хизмат кўрсата бошлади.

Боғламалар

Филиалнинг республикамиз ҳудудлари бўйлаб хизмат кўрсатаётган ўнта боғламаси мавжуд. Филиал мутахассислари ана шу боғламалар орқали республикамиз ҳудудида оптик толали алоқа кабеллари (ОТАК) ҳамда станция иншоотларини қуриш ишларини, шунингдек, қурилишдан кейин ушбу ОТАК ва станция иншоотлари орқали алоқа сигналларини узатиш ҳамда уларнинг кундалик техник назоратини олиб бормоқдалар.

Фойда келтирган қурилиш

Республикамиз ҳудудида 1996 йилдан Тинч океани соҳилларини Атлантика океани соҳилларидаги давлатлар билан боғловчи Транс Осиё-Европа оптик толали алоқа линияси (ТОЕ ОТАЛ) қурилиши бошлаб юборилди ва 1998 йили ишга туширилди. Ушбу лойиҳага 20та давлат жалб қилинди ва Ўзбекистон бу трансмиллий телекоммуникация тармоғининг марказида жойлашганлиги боис замонавий ахборот технологияларига уланиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, балки халқаро трафик маълумотларни ўтказишда фойда келтирадиган нақд валюта тушумига ҳам эга бўлди. Республика бўйлаб ҳар бир вилоятда оптик толали алоқа кабеллари ётқизилиб, ишга туширилди ва мавжуд аналогли узатиш тизими замонавий рақамли узатиш тизимига ўзгартирилди. ТОЕ ОТАЛ-нинг умумий узунлиги 27000 км. бўлиб, унинг 885 км. қисми мамлакатимиз ҳудудидан ўтади.

Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган мазкур 885 км. қисмида икки тракт ҳосил қилинган бўлиб, бир тракт қитъалараро хизмат кўрсатса, бошқа тракт миллий тармоққа хизмат кўрсатадиган бўлди. ТОЕ ОТАЛ ишга тушиши билан Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортди, республикамиз аҳолиси Европа ва жаҳон телекоммуникацияси билан уланиб, бутун дунё билан мулоқот қилишга ва маълумот узатишга муяссар бўлди.

Узлуксизликни таъминлаш йўлида

Республика бўйлаб ётқизилган ОТАЛда шикастланиш содир бўлса, нима қилмоқ керак? Филиал мутахассислари бунинг ҳам чорасини кўришди. Шундай вақтда бошқа тармоқдан хизмат кўрсатиш, захиралаш, умуман, мамлакатимизда алоқанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида Японияннинг JBIC банки кредити билан "Зарафшон-Учқудуқ-Урганч-Нукус", "Ангрен-Фарғона водийси" бўйлаб ОТАЛ, "Тошкент-Ангрен" оралиғида ётқизилган магистрал кабелларга ёндош қўшимча кабелларни ҳалқа усулида ётқизиб захиралаш лойиҳаси амалга оширилди ва алоқа шикастланганда ҳам узлуксиз ишлашига замин яратилди.

Аҳамияти улкан ишлар

"ТТГ" филиали фаолияти давомида, айниқса, истиқлол йилларида амалга оширган ишларнинг аҳамияти улкан. Ана шундай ишлардан бири 2013 йилгача умумий узунлиги 7200 км.дан ортиқ ОТАК ётқизилганлигидир. 2014-2015 йилларда эса тармоқни қўшимча захиралаш мақсадида 900 км.дан ортиқ ОТАК қурилиши олиб борилади.

"КМТАЕ Тошкент-Бухоро, Бухоро-Муборак-Қарши-Термиз-Денов" йўналишида телекоммуникация тармоғини DWDM технологияси асосида такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида Пахта, Бекобод, Гулистон, Жиззах, Янгиқишлоқ, Нурота, Самарқанд, Кармана ва Бухоро станцияларида DW4200(DWDM) / UN5000/U-Node BBM(SDH, STM-64) узатиш тизимларининг монтаж ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда республиканинг барча вилоят марказлари ҳамда халқаро боғланиш нуқталари йўналишидаги магистрал линиялар DWDM технологияси асосидаги қурилма орқали ташкиллаштирилган. Магистрал кабелларни ривожлантириш билан бирга, мамлакат ҳудудида шундай кабелларга захира сифатида радиореле линиялари ҳам қурилди.

Радиореле линиялари (РРЛ) симсиз алоқа воситаси бўлиб, улар юқори частотали аппаратура, антенна мачта ва фуқаро иншоотлари мажмуасидан иборатдир. Магистрал кабеллар шикастланган вақтда РРЛ алоқа тизимига захира бўлиб хизмат кўрсатади.

Халқаро боғловчи каналлар

Халқаро йўналишлардаги каналлар сиғимини оширишда ҳам филиал томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қозоғистоннинг учта халқаро оператори билан 40,6 Гбит/с, Тожикистоннинг бешта халқаро оператори билан 10,6 Гбит/с, Қирғизистоннинг битта халқаро оператори билан 2,5 Гбит/с, Туркманистоннинг битта халқаро оператори билан 3,1 Гбит/с, Афғонистоннинг Республикасининг битта халқаро оператори билан 5 Гбит/с даражасида халқаро боғловчи алоқа каналлари ташкил қилинди.

Рақамли телевидениени ривожлантириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рақамли телевидениени татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ, "ТТГ" филиали томонидан республиканинг вилоят марказларигача рақамли телевидение сигналлари етказиб берилди.

Филиал томонидан NGN тармоғини қуриш лойиҳаси доирасида Тошкент-Фарғона йўналишидаги канал тезлиги 35 Гбитдан 95 Гбитга ва Тошкент-Бухоро-Нукус, Бухоро-Термиз йўналишларидаги канал тезлиги 50 Гбитдан 60 Гбитга оширилди. Республикада IMS тармоғини ташкил қилиш бўйича транспорт тармоғи орқали Тошкент-Фарғона-Бухоро-Тошкент йўналишларида 10 Гбит/с тезликдаги каналлар ташкил этилди.

ОТАК ҳамда станция иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг замонавий рақамли алоқа узатиш тизимига эга бўлди ва ўта муҳим аҳамият касб этувчи қуйидаги ютуқлар қўлга киритилди:

- *телекоммуникация хизматларининг сифати ошди, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар турлари кўпайди;*
- *Ўзбекистон Республикаси ўзининг замонавий рақамли алоқа тизимига эга бўлди ва шу билан бирга халқаро жаҳон алоқа тизимига уланиш имконияти яратилди;*
- *барча аналогли алоқа тармоқлари бутунлай рақамли тармоққа ўтказилди;*
- *алоқа тизимида учраб турадиган аввалги харажатлар маълум миқдорда камайди;*
- *Тошкент шаҳридан республиканинг турли нуқталарига бевосита маълумотлар узатиш имконига эга бўлинди;*
- *рақамли тармоқни марказдан идора қилувчи автоматлаштирилган бошқарув тизими барпо этилди.*

Ният ва имконият

Фан-техника ривожи юксалган ва жамият тараққиёти юқори чўққиларга чиққан ҳозирги даврда "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали жамоасининг асосий вазифаси телекоммуникациялар (магистрал кабеллар, радиореле линиялари)га юксак даражада техник хизмат кўрсатишдан иборат. Филиалда бунинг учун имкониятлар етарли. Малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келгусида ҳам ушбу вазифани тўлиқ ва бехато, сифатли адо этиш ниятидалар.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Xabar
www.xabar.uz
Beeline интернет ва SMS-пакетларни махсус карталар ёрдамида фаоллаштириш хизматини йўлга қўйди.

У всех народов есть деление на 12-летние циклы, периоды становления и расцвета. В Узбекистане это называется "Мучал". Можно верить или не верить в циклы, но это хороший повод оглянуться на пройденный путь и подумать о планах.

Центру UZINFOCOM® 12 лет

Мало кто помнит лето 2002 года и события, давшие импульс для развития интернета. Тогда вышел Указ Президента Республики Узбекистан от 30 мая 2002 года "О дальнейшем развитии компьютеризации и внедрении информационно-коммуникационных технологий" и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 июня 2002 года "О мерах по дальнейшему развитию компьютеризации и внедрению информационно-коммуникационных технологий". Тогда Ташкентский электротехнический институт связи был преобразован в Ташкентский университет информационных технологий, Узбекское агентство почты и телекоммуникаций преобразовано в Узбекское агентство связи и информатизации, были отменены таможенные пошлины и введены налоговые преференции на компьютерное и сетевое оборудование, а также программное обеспечение. Мы все почувствовали, что интернет не на отшибе, не сам по себе, а в центре государственных интересов. Это, среди прочих причин, способствовало престижу профессии — дети мечтают стать веб-дизайнерами, как когда-то мечтали стать водителями, летчиками, космонавтами. Среди всех этих мероприятий было и создание Центра развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM.

Все 12 лет UZINFOCOM был в центре событий, мероприятий и обсуждений.

Одна из главных функций Центра — администрирование национального домена .UZ. Домен зарегистрировать несложно и недорого, регистраторы работают в Ташкенте и в регионах. Доступен персональный кабинет для настроек домена и имеется вся исчерпывающая статистическая информация, оперативно решаются вопросы регулирования.

Создан Правительственный портал Республики Узбекистан www.gov.uz с полной информацией о структуре правительства Узбекистана, его деятельности, а также государственных органах. Разработаны информационные системы крупных государственных организаций, оптимизирующие некоторые процессы их деятельности.

Самые популярные проекты, созданные за последние полтора-два года и ставшие всенародными, это, конечно же Единый портал интерактивных государственных услуг my.gov.uz (ЕПИГУ), открытый 1 июля 2013 года. За год и месяц работы подано более 25 000 обращений в государственные органы и на 86 % из них даны ответы.

Это Портал коммунального хозяйства и жилищного фонда e-kommunal.uz, позволивший сотням граждан отремонтировать дома и дороги, убрать мусор, починить крыши. Сейчас можно посмотреть баланс текущего состояния лицевых счетов за электроэнергию, холодную воду, газ, скоро подключится "Махсустранс" (уборка мусора), а позже и теплосеть. Обработано более 2,5 тысяч обращений граждан.

Всенародной стала почтовая служба uMail.uz — за год открыто более 91 000 почтовых ящиков.

Популярны "цементирующие Узнет"

- сервис каталога, статистики и рейтинга сайтов WWW.uz включающий 10 000 сайтов.
- сервис идентификации ID.UZ, позволяющий авторизоваться и получать доступ ко многим проектам Узнета.
- форум uForum.uz, популярный и посещаемый, объединяет айтишников, присутствуют госорганы и некоторые организации.

Широко известен среди учеников и студентов образовательный портал ZiyoNET с обилием информации и многочисленными сопутствующими сервисами: Игры, Видеопортал uTube.uz, "Вопросы и ответы", Блоговая платформа Fikr.uz, сайты-сателлиты, Обзоры конкурсов и грантов Tanlov.uz, сведения о деятелях, о наших известных современниках (одаренная молодежь), полная информация для абитуриентов, перечни учебных заведений, списки рекомендуемых сайтов, все для изучения иностранных языков и многое другое.

Работать в Центре трудно, но очень интересно — все время новые задачи, новые проекты, их обсуждения. Приветствуется инициатива и нестандартные идеи. Центр UZINFOCOM оказался настоящей кузницей кадров, его бывшие сотрудники работают во многих ИТ-компаниях, веб-студиях и госорганизациях.

Свое двенадцатилетие Центр встречает с предложением целого ряда интересных услуг.

1. Датацентр DC.uz предлагает услуги хостинга, выделенного виртуального сервера и co-location. Гибкие тарифы и невысокие цены, климат-контроль и источники бесперебойного питания располагают к размещению ваших проектов в Датацентре.

2. Мы делаем сайты — удобные, современные, функциональные. Есть смысл заказывать у нас, например, потому что сразу будет интеграция интерактивных услуг с ЕПИГУ, учитываются все требования законодательства, предъявляемые к официальному веб-сайту, клиенты получают бесплатный хостинг на год, поддержку и администрирование сайта, и еще разные бонусы, обращайтесь.

3. Нами разработана и внедрена собственная система контроля и управления доступом (СКУД), что позволило сократить потери рабочего времени и добиться прозрачности в рабочем процессе. В фойе Центра на мониторах видно, кто на работе, кто в отпуске, кто отсутствует по разным причинам. Разработка признана успешной представителями организаций, познакомившихся с работой СКУД. Уже есть заявки на внедрение разработки. Например, система уже внедрена и функционирует в Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

4. Центр UZINFOCOM предлагает услуги по созданию информационных систем. Мы выведем ваше предприятие или организацию на современный уровень работы за счет оптимизации организационных и бизнес-процессов, снижения непроизводственных потерь и лишней переписки, за счет прозрачности и оперативности управления. Нашими информационными системами успешно пользуются крупные организации. Мы проведем изучение и анализ бизнес-процессов предприятия, которые требуется автоматизировать и разработаем техническое задание. Разработаем и внедрим информационную систему, обучим персонал, будем сопровождать и поддерживать проект.

5. Проводим экспертизу информационной безопасности организаций. Предложим технические и организационные меры по сохранности данных, ограничения их от взлома и несанкционированного доступа.

6. Предлагаем воспользоваться нашей СМС-платформой SMSG.uz для привязки ваших проектов к СМС-уведомлениям. Также предлагаем пользоваться только что анонсированным сервисом для корпоративных СМС-рассылок Bedana.uz.

7. Если ваш бизнес связан с платежами, то мы можем предоставить биллинг-систему для автоматизации расчетов.

У нас много планов и интересных проектов. Есть вакансии, приходите, поработаем.

Благодарим всех друзей Центра UZINFOCOM за партнерство и помощь, за критику и ценные предложения. Мы открыты для идей и сотрудничества. Надеемся, что следующие 12 лет будут еще более насыщенными, интересными и плодотворными.

www.uzinfocom.uz

ИНТЕРНЕТ АУКЦИОН АО "УзРТСБ" НАБИРАЕТ ОБОРОТЫ

С начала текущего года, по состоянию на 31 июля 2014 года общий объем сделок, заключенных в электронной торговой системе выставочно-ярмарочных торгов (ВЯТ) достиг 500 млрд. сумов, что на 47% превышает аналогичный показатель прошлого года.

Динамичное развитие торгов на данной торговой платформе связано с широким внедрением информационно-коммуникационных технологий на отечественных предприятиях, которые в последнее время все более активно пользуются преимуществами Интернет аукциона.

За рассматриваемый период, через выставочно-ярмарочные торги реализовано продукции машиностроения на 100 млрд. сум, что составляет 23% от общего объема заключенных сделок. Следом расположилась продукция чёрной и цветной металлургии с долей рынка на уровне 22%. Большим спросом также пользовалась продукция химической промышленности, полимеры и пластмассы, а также строительные материалы.

ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ ИНФОРМАЦИИ О ВЗАИМОРАСЧЁТАХ ПО ТАМОЖЕННЫМ ПЛАТЕЖАМ

Единый портал интерактивных государственных услуг продолжает внедрять дополнительные возможности для участников внешнеэкономической деятельности (ВЭД).

На Едином портале совместно с Государственным таможенным комитетом запущена новая услуга "Предоставление информации о взаиморасчётах по таможенным платежам", с помощью которой предприниматели-участники ВЭД могут получать информацию о взаиморасчетах по таможенным платежам, а именно:

- сальдо на начало заданного периода;
- данные о таможенных платежах с указанием дебетовых (долг участника ВЭД перед Государственным таможенным комитетом) и кредитовых оборотов (собственные средства);
- сальдо на конец заданного периода.

Полученную информацию можно сохранить в формате PDF в виде общепринятой формы акта сверки.

9 сентября Apple проведет ежегодное мероприятие, на котором представит iPhone нового поколения.

Аҳиллик қўрғони

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Маҳаллалар кунига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати қатнашчилари юртимизда бўлаётган ободончилик ишлари, тўкинсочинлик, аввало, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайли эканлигини, мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилишимиз зарурлигини айтиб ўтдилар. Андижон шаҳар ва туманларининг "Бирлик", "Наврўз", "Озодлик", "Ўзгариш", "Намуна", "Хўтанариқ", "Уйғуробод", "Чаққон" маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчи ва фаоллари ўз маҳаллаларида олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб, қизғин мулоҳаза ва мунозарага бой бўлган таклифлари, фикрлари билан ўртоқлашдилар.

— Мен қирқ йилга яқин халқ таълими соҳасида ўқитувчи бўлиб ишладим. Ва ўзимнинг кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айта оламанки, маҳалла — тарбия кўзгуси. Чунки ён-атрофдаги таъсирни бола уйдагидан-да кўра маҳаллада тезроқ ўзлаштиради. Шунинг учун маҳалла аҳли ўз болалари юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб турмоғи, ҳар қандай нохуш хатти-ҳаракатни содир этган боланинг ота-онасини огоҳлантириши зарур. Ахир, фарзандларимиз бизнинг давомчиларимиз. Уларнинг нафақат соғлом, маънавий жиҳатдан ҳам комил инсонлар бўлиб етишуви учун ҳаммамиз жавобгармиз, — деди Олтинкўл туман "Чаққон" МФЙ маслаҳатчиси Насибахон Маликова.

Вилоят ўрта-махсус ислом билим юрти мударриси Муҳаммадюсуф Тўрақулов қўни-қўшничилик, саховат, ҳалимлик, одоб каби инсоний фазилатлар ҳақида гапириб, қизиқарли ибратомуз мисоллар келтириб ўтди.

Кутубхона ходимларидан Р.Ризаева, О.Мамажоновалар ижросидаги гўзал қўшничилик муносабатлари тасвирланган саҳна кўриниши давра қатнашчиларининг олқишларига сазовор бўлди.

"Ватан маҳалладан бошланади" деб номланган китоб кўргазмаси ҳам ташриф буюрган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Дурдонахон ЭГАМБЕРДИЕВА,
АКМ кутубхоначиси

FAKT

Чет элларда кўпчилик учун компютер ўйинлари орқасидан пул топиш одатий ҳолга айланганки, уларни голд-фармерлар деб аташади. Бу фармерларнинг аксарияти Хитойда яшайди. 2005 йилда уларнинг сони 100 минг кишидан ошарди. Бунинг устига, Хитойдаги баъзи қамоқхоналарда раҳбарлар ва қўриқчилар маҳбусларни онлайн-ўйинларга мажбуран жалб этиб, ноқонуний даромад топишга одатланишган.

Кутубхонада байрам шукуҳи

Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Марказнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлимида "Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз байрам" мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори бўйича тузилган папка ҳамда мустақил Ватанимиз тўғрисидаги китоблар, газета ва журналлардаги мақолалар, иллюстрацияли расмлар қўйилди.

Байрамга бағишлаб ахборот-библиография бўлими, электрон ўқув зали интернет маркази секторида электрон файл ва веб-саҳифа яратилди.

Ахборот-библиография бўлими "Қадди ва қадри баланд Ватан бу" мавзуида ахборот куни, "Мустақиллигимиз — абадий бойлигимиз" ва ёшлар билан маънавий-маърифий иш олиб бориш секторида "Жаҳонда ягонасан, Ўзбекистоним" мусиқий кечаси, "Соғлом бола — соғлом жамият, порлоқ истиқболдир" мавзуи бўйича китобхонлар конференцияси, кутубхоналараро абонемент секторида "Мустақиллик — улкан масъулият" мавзуида адабий-мусиқа кечалари, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

М.ҚУРБОНБОЕВА,
АКМ бош кутубхоначиси

2014-yil — SOG'LOM BOLA YILI

Ҳавохонга аталган гуллар

(Ёдда қолган лаҳзалар)

Мактабнинг тантанали тадбиридамиз. Енгинамда ўтирган аёл диққатимни тортди. Қўлида гулдаста — қип-қизил атиргуллар. Юзлари ҳам гуллари монанд қизарибгина турибди. Кўринишидан элликлардан ошгану бироқ бирам мунис, бирам ёқимли.

— Бу унинг қалби тозалигидан далолат, — хулоса қиламан.

— Кўнгил бойлиги ёруғ чеҳрасидан аён". Бир пас ўтиб—ўтмай танишиб ҳам олдик. Исми жисмига монанд — Салимахон экан.

— Неварангизнинг байрам тадбирига келибсизда—а?

— Ҳа. Лекин Достонбегим битирувчи эмас. Тўққизга кўчди.

— Унда жуда соз—ку! Сўнгги таътилда мазза қилиб дам оларканда Достонбек.

— Ростини айтсам у дам олмайди. Дам олишга унинг ҳаққи йўқ. Ўқийди.

— Нега? — дедим таажжубда. — Тушунмадим. Қаерда ўқийди? Бола ёзда дам олса, янги ўқув йилида кучга тўлиб, янада аъло ўқийди... — Яна нималар десам фикримни етказа оларкинман, дея ўйланиб қолдим. Аёл гапимнинг давомини кутмай ийманибгина жавобга тутинди:

— Сабабини айтсам... — Бу овозда шунчалар хокисорлик, мунг бор эдики, сўраганимга ҳам пушаймон бўлиб кетдим. — Унинг отаси йўқ. У вақти келиб элнинг олди, юртга керакли зиёли бўлиши учун ҳозирдан тинмай ўқиши керак. Эрта-индин икковлон Тошкентга йўл оламиз. Пойтахтда қариндошларникида яшаймиз. Достонбек репетиторга қатнаб, ўқийди.

Ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган овозда жигарбандининг ёрқин келажагига тўла ишонч, дилни мунаввар этувчи умид зоҳир эди.

Қани энди ҳамманинг ҳам шундай бувижониси бўлса!

Салимахон билан хайр-хўшлашарканман, унга ич-ичимдан тасаннолар айтдим: мингта киринг, Достонбекнинг роҳатини кўринг, Салимахон!

Шу маҳал қўлидаги гулдастани менга тутди:

— Ҳавохонга олиб келувдик. Уни бошқармага чақиришибди. Шуни сиз ола қолинг.

— Бировга аталган гуллар бўлса, — хижолатда эдим. — Озгина кутинглар, балки келиб қолар...

— Биз Ҳавохонга деярли ҳар куни гул совға қиламиз. У шундай ажойиб ўқитувчики, унга миллион-миллион гул совға қилсангиз ҳам кам!

Ноилож гулдастани тутганча уйга йўл олдим. Устозга чексиз миннатдорлик рамзи бўлган бу алвон атиргуллар ҳеч қачон қуримайди, кўнгил боғимда яшнаб тураверади...

Ҳафиза САЛЯҲОВА

"Алоқабанк" кўмагида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлашда банк-молия тизимининг роли ошиб бораяпти.

— "Алоқабанк"нинг молиявий қўллаб-қувватлаши ҳисобига Италия ва Хитойдан замонавий ускуналарни харид қилдик, — дейди Фарғона шаҳридаги "Эко-Пластек" МЧЖ раҳбари Бахтиёр Султонов. — Бугунги кунда корхонамиз синтетик тола, полиэтилен камарлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаряпти. Маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётганимиз ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига хизмат қиляпти.

Ўтган йилнинг ўзида корхона томонидан 5,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эътиборлиси, маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади. Бу ерда 88 нафар ходим иш билан таъминланган.

Ушбу жамоа эришаётган ютуқлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳит яратилганидан далолатдир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Xabar www.xabar.uz UZTE компанияси Ucell билан ҳамкорликдаги акция доирасида телефонларига 100 минг сўм чегирма эълон қилди.

Вилоятда xDSL модемлар орқали интернетдан фойдаланувчилар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5326тага ортди ёки умумий кўрсаткич 10235тага тенглашди. Бу 189,6 фоизлик ўсиш дегани! Интернет хизматларидан фойдаланувчилар жами сони 421495та бўлиб, ўтган йилдан бери 227200 фойдаланувчи хизматга уланган.

Республиканинг исталган таълим муассасаси билан онлайн мулоқот қилиш, маълумот алмашиш, масофавий таълим тизимидан фойдаланиш имкониятларини яратиш лойиҳаси доирасида иккита коллежга FTTx технологияси бўйича 36,8 км. оптик толали кабел ётқизилиб, таълим муассасаларига 88,359 километрли ОТАЛ тортилди. Ғузор-Бойсун участкасида ётқизилган 150 км. ОТАЛнинг 107 километри вилоят ҳудудидан ўтган.

Қарши шаҳрининг Боғишамол, Хонобод шоҳкўчалари ҳамда Команди маҳаллалари аҳолиси ва шу ҳудудлардаги корхона ва ташкилотларга телефон, интернет, IPTV хизматлари кўрсатиш мақсадида 194 рақамга ва 96та ADSL портга мўлжалланган MiniMSAN станцияси ўрнатилди. Ушбу станциялар MSAN 8 MSAN 4 станциялар билан оптик толали кабел орқали туташтирилиб, ишга туширилди.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

Асрий

Муносиб туҳфа

Биз учун энг азиз, энг муқаддас бўлган мустақиллигимизнинг 23 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Тарихан қисқа давр бўлса-да, бироқ халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида бу йилларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилганлиги билан аҳамиятлидир. Биргина алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги беқиёс ўзгаришлар мисолида ҳам юртимиз тараққий этиб бораётганини кўриш мумкин. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида муносиб меҳнат қилаётган қашқадарёлик алоқачиларнинг соҳа ривожига қўшаётган ишлари таҳсинга сазовордир. Бугунги қўшсаҳифамизда воҳа алоқачилари ҳақида сўз юритмоқликни лозим топдик.

Давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаш, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг ҳар бир ходимидан астойдил меҳнат ва масъулият талаб этади.

Шу меҳнатлар самараси сифатида вилоятда интернет тармоғини кенгайтириш учун xDSL портлар монтаж сиғими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9428тага кўпайгани ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига келиб 19564тага етганини кўрсатиш мумкин. Қарши шаҳрида аҳолининг алоқа хизматлари ва керакли ахборотлардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида "Чақирувларга хизмат кўрсатиш ягона маркази" (Call center) ташкил этилиб, қўшимча ўнта иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида асосий телефон аппаратлари сони 45834тани, шундан аҳоли телефонлари 39742, ташкилотларда 6092тани ташкил этди.

Филиалда Тошкент ахборот технологиялари университетининг 57 нафар, Қарши филиалининг 30 нафар талабаси амалиёт ўтади. Филиалга бириктирилган Яккабоғ ва Қамаши ахборот технологиялари коллежларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида икки миллион сўм ажратилди. Соҳа йўналишлари бўйича мутахассис тайёрлайдиган коллежларнинг 20 нафар битирувчиси билан уч томонлама шартнома имзоланди. Электрон таълим лойиҳаси бўйича учта коллеж 34,299 километрли ОТАЛ билан бирлаштирилди. ЙПХ лойиҳаси бўйича 34,556 км. масофанинг 21,025 км. оралиғида оптик толали кабел ётқизилиб, Ғузор, Бешкент, Косон, Миришкор туманларида ўрнатилади. NGN технологияси асосида ишлаб чиқарилган MSAG 5200 русумли ташқарида ўрнатиладиган янги телефон станцияларининг қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосалари олинди. Шаҳрисабз шаҳрида Wi-Fi зонасини ташкил этиш мақсадида сигнал қамров ҳудудлари белгиланиб, еттита масканда ускуналарни харид қилиш ва ўрнатиш ишлари амалга оширилянпти.

Вилоятимиз туманларида очилган "Ягона ойна" савдо нуқталари аҳолига бир нечта масалаларни бир жойнинг ўзида осонгина ҳал қилишда мадад бўляпти. Тадбиркорлар ўзлари учун ҳуқуқий маслаҳат, пенсионерлар даромадлари ҳақида маълумотлар олишса, иш изловчилар бўш иш ўринлари, таклиф этилаётган ишлар билан танишадилар. Компютер саводхонлари эса марказдан керакли маълумотларни қидириш имкониятига эга.

Таққослаш учун

АТСлар	
2004 йилда	2014 йилда
Жами АТСлар 204та	ЭАТСлар 86та
Рақамлилари 8та	Ҳаммаси рақамли
Аналог телефон станциялари 196та	СГМ 41та, Huawei 22та,MSAN 23та, 3та 96 портли miniMSAN
Рақамли 19562	Ҳаммаси рақамли

Изланишлар давом этади

Вилоятнинг марказий шаҳри аҳолиси ва ташкилотларига телефон, телеграф ва интернет хизматини кўрсатиб келаётган "ЎзИ-Қарши" филиали жамоаси сафига ёш мутахассислар қўшилиб, соҳа билимдонлари билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда.

Филиал ихтиёрида битта телеграф станцияси, ЛАЗ бўлими ва 14та рақамли АТС, интернет-кафе бор. Ҳозирда мавжуд 19та АТСнинг сиғими 34432тани, монтаж қилинган сиғими 32320тани ташкил этади.

Айни пайтда филиалда тўртта тўлов терминали орқали нақд пулсиз ҳисобкитоб ишлари йўлга қўйилган. Интернетдан фойдаланувчилар сони жами 2939 нафарни ташкил этади. Корхона томонидан 53та мактаб, 36та болалар боғчаси, 15та коллеж, 5та лицей, 17та поликлиника, 22та тиббий муассаса, битта санаторий, 6та мини-банк каби инфратузилма объектлари телефонлаштирилган. Ягона электрон таълим тизимига улаш лойиҳаси доирасида учта коллежга ОТАЛ тортилди.

Жами 168 нафар ходим меҳнат қилаётган жамоада кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўйича раҳбар ходимлар, мутахассислар ва оммавий касб эгаларини қўшимча курсларга ўқитиш йўлга қўйилган. Шунингдек, филиалда ТАТУ талабалари учун ўқув ишлаб чиқариш лабораторияси ва амалиёт хонаси ташкил этилган. Бу ерда ахборот ва компютер технологиялари касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам назарий билимларини мустаҳкамлайдилар.

Қаерда меҳнатга муносабат самимий, касбга ҳурмат юқори бўлса шу ерда, албатта, ютуқлар кетма-кет келаверади. "ЎзИ-Қарши" филиали жамоаси бу борада изланишда давом этади.

Қашқадарё вилоятида CDMA 450 станционар абонентлар сони 17873та.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали тармоқларида электрон пул ўтказмалари йўлга қўйилган. Автоматлаштирилган иш ўрнига уланган объектлар сони 2013 йилнинг шу даврида 89та эди, ҳозир 127тага етди. Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати автоматлаштирилган тизимига боғланган объектлар сони жорий йилнинг биринчи ярмида 14тага етказилди.

Бу йил ТАТУ Қарши филиали ва кафедраларининг моддий-техник базаси ҳомийлик ёрдамлари асосида учта принтер, ўнта процессор, иккита видеопроектор, бешта мультимедиали проектор, видеорегистр, бешта IP видеокузатгич, ноутбук ва рақамли фотоаппарат, тўққизта USB Flash ва олтита катта экранли телевизор – жами 52 млн. сўмлик техник жиҳозлар билан бойитилди.

Янги ўқув йилида бакалавр таълим йўналишида бешта махсус фандан машғулотлар инглиз тилида олиб борилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда инглиз тилида машғулот олиб борадиган бир гуруҳ ўқитувчилар Корея Республикаси университетларида малака оширишмоқда.

сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

орзулар рўёби

Янги босқичда

Жаннатмакон юртимизнинг жанубий сарҳадида фаолият олиб бораётган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали тизимида 14та почта алоқаси тармоғи ҳамда 286та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, уларда минг нафардан ортиқ киши самарали меҳнат қилмоқда. Рақам ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2014 йилнинг биринчи ярмида замонавий, АКТ негизидаги янги хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш натижасида 159981,90 минг сўм даромад олинди. Телеграмма, почта жўнатмалари, хат-хабарлар, электрон пул ўтказмалари, обуна режалари ортиғи билан бажарилди. Ҳозирда алоқа бўлимларидан 161таси телефон алоқаси билан таъминланган.

Вилоят бўйлаб марказлашган учта — Қарши-Қорашина-Қарши, Қарши-Китоб-Қарши, Қарши-Муборак-Қарши почта йўналишлари йўлга қўйилган бўлиб, ҳафтасига биринчи йўналишда олти, иккинчи ва учинчи йўналишларда беш маротаба почта алмашинилади.

Пенсионерларнинг пулларини ишончли, ўз вақтида етказиш, ўзлаштирилишининг олдини олиш мақсадида филиалда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар ой почта алоқаси тармоқлари хизмат ҳудудида яшовчи пенсионерлар билан сўровнома-мониторинг ўтказиб турилади. Шунингдек, маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари номига сўровномалар йўлланиб, пенсия, компенсация, бир йўла тўловлар ва бошқа почта хизматлари қай даражада кўрсатилаётганлиги тўғрисидаги фикрлар ўрганилиб, таҳлил этиб борилади. Шу тариқа вилоятимизнинг энг олис, чекка масканлари аҳолиси ҳам тезкор почта алоқа хизматидан баҳраманд бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик йилларида тизимга қаратилган эътибор, қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари амалиётда аксини топиши соҳани янги босқичга олиб чиқди.

Иқтидорлар маскани

ТАТУ Қарши филиалида 87 нафар профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Илмий даражалилари сони — 15 нафар. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида вилоятдаги соҳанинг 18та ташкилот ва корхонаси раҳбарлари ҳамда юқори малакали мутахассислари томонидан соҳанинг долзарб масалалари, муаммолари, ривожланиш истиқболлари ва касбий фаолият мазмунига бағишланган учрашувлар ва дарс машғулотлари режа асосида мунтазам ўтказилмоқда ва филиал веб-сайтида ёритиляпти.

Вилоятдаги алоқа корхоналарида кафедраларнинг замонавий жиҳозланган филиаллари ва лаборатория хоналари ташкил этилган.

"Телекоммуникация инжиниринги" кафедрасининг тизимдаги корхона ва ташкилотларда олтита ўқув ҳамда лаборатория хоналари ташкил этилиб, машғулотлар бевосита ушбу корхоналарда ўтказилиши йўлга қўйилган.

ФАКТ

2014-2015 ўқув йилида филиалда Ёш дастурчилар марказини ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Филиал профессор-ўқитувчиларининг амалий инглиз тили, замонавий ахборот технологиялари ва интернетдан эркин фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш учун махсус ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, эришилган ютуқлар тўлиқ амалиётга жорий этилмоқда.

Олиб борилаётган машғулотлар бўйича дастурлар, Global, Headway, Grammar News, English Topics, Easy Oracle Automation, Macmillian Readers, English Stories, Grammar Way сингари ўқув адабиётлари мавжуд бўлиб, замонавий таълим технологиялари ва ахборот, технологияларидан самарали фойдаланиляпти. Қолаверса, интерактив ўқув услублари ҳам қўл келяпти.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш, стипендиатлар сонини ошириш ва уларнинг билимларини янада чуқурлаштиришда Маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ўз ўрнига эга. Талабалар фан олимпиадаларида, республика ва халқаро миқёсдаги танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш, веб-сайтлар сони ва сифатини ошириш мақсадида филиалда 2014 йилнинг март ойида ўтказилган "Энг яхши веб-сайт ва дастурий таъминот" кўрик-танлови кўтлаб янги номларни кашф этди. Ҳозирги кунда иқтидорли талабалар вилоятдаги коллежлар, академик лицей, мактаблар, саноат корхоналари веб-сайтларини яратиш билан бандлар.

Филиал ахборот-ресурс маркази умумий фонди айни вақтда 1406 номдаги китоблардан иборат. АРМдаги 13та компютер локал ва интернет тармоғига уланган. Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан яратилган KARMAT-N автоматлаштирилган электрон кутубхона тизимига 1326 номдаги адабиётлар киритилган. 2013-2014 ўқув йили давомида АРМ фонди 106 ном, 261 нусхадаги инглиз тилидаги ўқув адабиётлари билан бойитилди.

2014 йили филиалнинг тўққиз нафар профессор-ўқитувчиси туман ҳокимликларида ташкил этилган "Электрон ҳукумат" ўқув курсларида қатнашди.

Қўшсаҳифа материалларини "Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири Афтондил ИСМОИЛОВ тайёрлади

2013-2014 ўқув йилида ТАТУ Қарши филиалини 173 нафар талаба битирди.

Умр оқар дарё... Бежизга у дарёга қиёсланмайди. Қаҳрамонимиз Шокир ТОЖИБОЕВ ҳам яқинда Тошкенти азимнинг тупроқли Самарқанд дарвоза кўчаларини чангитиб юрган бола эди. Бугун эса заҳматли ва баракотли умр дарвозасининг табаррук саксонинчи баҳорини чертмоқда.

Ўзбек телевидениесининг отахони

Қобилият

Шокир ака Тожибоев 1934 йил 19 августда ишчи оиласида дунёга келди. Отаси Зоиджон ака ва онаси Нуринисо опа "Ташселмаш" заводида ишлашарди. Шокиржон оилада тўнғич фарзанд бўлиб, ундан кейин Раъно хон, Сатторжон ва Авазжонлар дунёга келган. Шокиржон ёшлигидан ўз билими, табиат ҳодисаларига қизиқиши, ажойиб қобилияти билан устозлари назарига тушган. Унинг биринчи мақоласи "Радиостанция" деб аталиб, 1954 йили "Тонг юлдузи" газетасида эълон қилинганди. Кейинчалик Шокиржон қизиқишларини давом эттириб, Самарқанд дарвоза ва Турк-шойи берк кўчалари бўйлаб қўлбола алоқа тизимини тузиб чиқди. 1950 йили 85-ўрта мактабни тугатиб, Тошкент алоқа политехникумига ўқишга кирди.

Ярим аср аввал яратилган робот

1954 йили "Тошкент радиоуйида овозни магнит тасмасига ёзиб олишни қўллаш" мавзуидаги диплом лойиҳаси билан техникумни муваффақиятли тугатиб, имтиёзли йўлланма билан Новосибирск электротехника алоқа институтига қабул қилинди. У 1956 йил сентябридан ўқиш билан бир вақтда НИЛ-1 доценти Борис Аронович Шварц илмий лабораториясида ишлай бошлади. Ўша вақтларда ёш талабани робототехника қизиқтириб қолди ва икки курсдоши ҳамда ёрдамчилари билан робот ясашга киришди. Натижа ёмон бўлмади, икки ярим метрли, одам қиёфасидаги робот янги йил арафасида ясаб битирилди ва ҳаммани қойил қолдирди. Робот қўл узатиб саломлашишни, кўришишни, магнит тасмасига ёзилган сўзларни айтишни биларди. Мазкур ихтиро учун институтнинг 1-даражали лауреати бўлди. 1957 йили шу роботни халқаро ёшлар фестивалида намойиш этиб, иккинчи нишон билан тақдирланди.

Телевидение соҳасига дастлабки қадам

1957 йили коинотга сунъий йўлдош учирилди. Бундан илҳомланган Шокиржон яна икки ёрдамчиси билан арча атрофида айланувчи "сунъий йўлдош" макетини яратди (у ҳозирда институт кутубхонасига ўрнатилган).

1960 йили Шокир Тожибоев катта ўқитувчи Александр Иванович Малышев раҳбарлигида "Кенг частота полосали бир симли Губо алоқа йўли" мавзуидаги диплом ишини ҳимоя қилди. У 1960 йили Новосибирск электротехника алоқа институтини радиоалоқа муҳандислиги бўйича тугатгач, меҳнат фаолиятини Тошкент телевизион марказида муҳандисликдан бошлади. Кейинчалик бош муҳандис ҳамда бошлиқ вазифаларида фаолият юритди. Бир вақтнинг ўзида кинотехникумда ҳам ўқувчиларга дарс берди. 1961 йили Тошкент телевизион марказида иккинчи дастур техникасини яратишда бевосита қатнашиб, 1965 йили Тошкент телевизион марказида видеомагнит ёзишни амалга оширди.

"Луноход-1" электрон телекамераси ҳаммуаллифи

Янгиликка бўлган интилиш ҳамда билимга қизиқиш 1965 йилнинг 15 декабрида уни Москва электротехника алоқа институти "Телевидение" кафедраси аспиранти бўлишига сабаб бўлди.

Илмий раҳбар қилиб ёш доцент Борис Петрович Хромой тайинланди (ҳозир академик, техника фанлари доктори, профессор, кафедра мудири). Шу тариқа бўлғуси олим ўзининг "Телевизион камераларнинг аъло сифатли тасвир олиш иш режаларини автоматик бажариш" мавзуидаги илмий иши устида иш бошлади. 1967 йили кафедра "Луноход-1" электрон телекамерасини яратишга буюртма олди. Бу машаққатли ишни амалга оширишда аспирант Ш.Тожибоев бевосита қатнашди ва қурилма орқали 1970 йили "Луноход-1" ердан туриб бошқарилди.

Шунингдек, 1968 йили электрон фото қурилмасини яратишда фаол қатнашди ва халқаро кўргазмада иштирок этиб, бронза медали билан тақдирланди.

1969 йили илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистонда телевидение соҳаси бўйича биринчи қалдирғоч бўлган олим йўлланма бўйича Тошкент электротехника алоқа институтига юборилди.

Иқтидорли ёш олим институтнинг "Радиотарқатиш ва телевидение" кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида меҳнат фаолиятини бошлади. 1972 йили доцент унвонига сазовор бўлди. 1974 йили кафедра лабораториясида электрон микроскоп ишлаб чиқилди ҳамда халқаро кўргазмада диплом билан тақдирланди.

Видеокондаги хотираси бошқариладиган дунёдаги биринчи электрон фотоаппарат.

Смартфонларда ишлатиладиган камера ихтироси

Олим тинмай илмий изланишда давом этди. Электроникада энг долзарб йўналиш — кремний зарядли алоқа асбобларини телевидениега татбиқ қилиш бўйича илмий изланиш олиб борди. Биринчи марта зарядли алоқа асбоби телетарқатиш стандарти режасида ишлатилди. Рангли телевизион камера, телевизион микроскоп яратилди. Энг катта ҳажмга эга <1000 x 1000 элементли зарядли алоқа асбобли матрицаси синовдан ўтказилди.

Шокир Тожибоевнинг бу ихтироси бугунги кунда смартфон, планшет, видеокузатув камералари каби замонавий қурилмаларда ишлатилмоқда.

Зарядли алоқа асбобли видеокамераларга бўлган қизиқиш кенг қўламда илмий тадқиқотларни жадаллаштирди. Коинотни тадқиқот қилиш илмий институтида академик Г.Саъдуллаев, Тошкентдаги "Коинот" конструкторлик бюросида академик Ш.Воҳидов, Ўзбекистон Фанлар академияси астрономия институтида академик Т.Йўлдошев, Ш.Эгамбердиев, ядро физикаси институтида академик У.Ғуломовлар билан ҳамкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада заряд алоқа асбобли матрицасида биринчи бўлиб телевизион микроскоп, илк телевизион рангли видеокамера яратилди. Кейинги илмий-тадқиқот рақамли техникани телевидениеда қўллашга бағишланди. 1982 йили "Фан" нашриётида олимнинг "Зарядли алоқа асбобларини телевидениега татбиқ қилиш" номли монографияси чоп қилинди.

Янги саҳифа

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Шокир Зоидовичнинг илмий йўналишида янги саҳифа очилди. У биоқувват ва биоинформация алмашиш муаммоси устида ишлаб, салмоқли ютуқларга эришди.

Шокир Тожибоевнинг алоқа соҳасидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи", "Фахрий радист", "Ўз касбининг устаси", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" унвонларига сазовор бўлди.

Салоҳиятли олим, Ўзбекистон телевидениесининг отахони, ихтирочи, меҳрибон устоз Шокир Зоидович Тожибоев 65 йиллик меҳнат фаолияти давомида иккита монография, телевидение йўналишида Ўзбекистонда ягона бўлган ўзбек тилидаги дарслик, 16та ўқув қўлланма, 20дан зиёд услубий қўлланма, 4та ихтиро, ўнга яқин рационал таклиф, 200дан ортиқ илмий мақола, 40та услубий мақолага муаллифлик қилди.

Шокир Тожибоев эл-юрт ҳавас қилгудек мустаҳкам оила бошлиғи ҳамдир. Вафоли ва садоқатли ёр, меҳрибон ва айни вақтда талабчан ота, набирасининг севимли бобожони. У киши турмуш ўртоғи Сайёрахон ая билан 50 йилдан бери умргузаронлик қилиб келмоқда. Фарзандлари Гулнорахон биология фанлари доктори, Сардорбек муҳандис, Жаҳонгир IBM компанияси менежери. Бугунги кунда уларнинг барчаси ота изидан бориб, илм йўлида халқ хизматига камарбасталар.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Электроника ва радиотехника" кафедрасида профессор лавозимида фаолият юритаётган, ҳақгўйликни ҳаёт тарзи деб билган, ҳамиша яқинлари ва шогирдларининг қувонч-у ташвишлари билан яшовчи олимга: Халоллик эвазига яратилган боғнинг меваларидан баҳраманд бўлинг, устоз, деймиз.

Умида АРИПОВА,
ТАТУ "Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси

Америкалик ихтирочи Шон Вест 26 сонияда тўлиқ қувватланадиган аккумулятор яратди.

"REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali

ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Пешку тумани ҳокимининг 2014 йил 25 июндаги 746-сонли қарори ҳамда туман ҳокимининг 2014 йил 31 июлдаги 135-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Пешку тумани, Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шоҳкўчаси ҳудудидан музқаймоқ кафеси биноси қуриш учун майдони 300,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 189 720 сўм.

2. Пешку тумани, Янгибозор ШФЙ, Абу Али ибн Сино шоҳкўчаси ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун майдони 100,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 63 240 сўм.

3. Пешку тумани, Зандани ҚФЙ, Шоваре қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун майдони 100,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 51 589 сўм.

4. Пешку тумани Навоий МФЙ, Муроди қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ҳар бирининг майдони 50,0 кв. метрдан иборат 2та ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 25 794 сўм.

5. Пешку тумани, Навоий МФЙ, Муроди қишлоғи ҳудудидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун майдони 100,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 51 589 сўм.

6. Пешку тумани, Қорақалпоқ ҚФЙ, Қулмири қишлоғи ҳудудидан автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун майдони 200,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 178 сўм.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00.дан 16.00.га қадар қабул қилинади. (13.00.дан 14.00.гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 16 сентябр куни соат 18.00.да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Пешку тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 17 сентябр куни соат 11.00.дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов голиби аниқланади.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Шофиркон тумани ҳокимининг 2014 йил 26 июндаги 394-сонли қарори ҳамда туман ҳокимининг 2014 йил 4 августдаги 315-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси ҳудудидан аттракцион қуриш учун ҳар бирининг майдони 375,0 кв. метрдан иборат 8та участкадан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 237 100 сўм.

2. Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси ҳудудидан сунъий қопламали мини футбол майдончаси қуриш учун ҳар бирининг майдони 1500,0 кв. метрдан иборат 2та участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 948 600 сўм.

3. Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси ҳудудидан 48 ўринли кафе биноси қуриш учун ҳар бирининг майдони 644,0 кв. метр, қурилиш майдони 90,0 кв. метрдан иборат 2та участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 407 300 сўм.

4. Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси ҳудудидан музқаймоқ дўкони қуриш учун ҳар бирининг майдони 644,0 кв. метр, қурилиш майдони 90,0 кв. метрдан иборат 2та участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 407 300 сўм.

5. Шофиркон тумани, Х.Ориф МФЙ, Х.Ориф кўчаси ҳудудидан тантанали маросимлар ўтказиш зали қуриш учун майдони 3400,0 кв. метрдан иборат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 517 800 сўм.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00.дан 16.00.га қадар қабул қилинади. (13.00.дан 14.00.гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 15 сентябр куни соат 18.00.да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорларнинг таклифлари Шофиркон тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 16 сентябр куни соат 11.00.дан бошлаб очилади ва талабгорларнинг таклифлари (конвертлар) очилган санадан бошлаб 10 календар кунидан ортиқ бўлмаган муддатда танлов голиби аниқланади.

Талабгорлар диққатига!

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари туман архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишув имзоланганидан сўнг талабгорлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан икки нусхада тақдим этадилар. Юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставининг нусхаси; жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда белгиланган тартибдаги расмийлаштиридган ишончнома; закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси ҳамда танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, муҳрланган конвертлардаги икки нусхадаги танлов таклифи.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри (юридик шахслар учун) ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг юқори тақлиф билдирган талабгор танлов голиби деб топилади.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш учун тўловларни тузиладиган шартномага ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг ХХТУТ: 83400, СТИР: 207186573, МФО: 00115, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"и БВМФдаги 20208000500234536002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Буюртманомаларни қабул қилиш, танлов ҳужжатларини олиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Танлов ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MCHJ Buxoro filiali. 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170, Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: + 99865 221-59-24.

МУЛКНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2014 йил 9 сентябр куни соат 11.00.да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалининг 04.08.2014 йилдаги 34-01-03/1397-сонли буюртмасига асосан филиал ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари лот тартибида қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Янгикент ҚФЙ, Ниёган қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 244,0 кв. метр, қурилиш майдони 44,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 13 385 000 сўм.***

2-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Халач ҚФЙ, Латифсобунгар аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 1056,0 кв. метр, қурилиш майдони 118,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 49 570 000 сўм.***

3-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Харгуш ҚФЙ, Харгуш аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 268,0 кв. метр, қурилиш майдони 113,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 45 832 000 сўм.***

4-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Харгуш ҚФЙ, Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 514,0 кв. метр, қурилиш майдони 59,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 23 930 000 сўм.***

5-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Қипчоқ ҚФЙ, Найман аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 170,0 кв. метр, қурилиш майдони 94,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 31 318 000 сўм.***

6-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Рохкент ҚФЙ, Гулзор аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 125,0 кв. метр, қурилиш майдони 69,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 22 989 000 сўм.***

7-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Имомқозихон ҚФЙ, Жўйодок аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 96,0 кв. метр, қурилиш майдони 53,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 16 220 000 сўм.***

8-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Хайрабодча ҚФЙ, Шанба аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 145,0 кв. метр, қурилиш майдони 56,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 34 082 000 сўм.***

9-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Пирмаст ҚФЙ, Анжирбоғ аҳоли масканида жойлашган умумий ер майдони 380,0 кв. метр, қурилиш майдони 94,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 38 126 000 сўм.***

10-ЛОТ. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Янгикент ҚФЙ, Ширин қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 100,0 кв. метр, қурилиш майдони 50,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 20 322 000 сўм.***

11-ЛОТ. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Вардонзе ҚФЙ, Деҳқонобод қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 80,0 кв. метр, қурилиш майдони 52,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 19 341 000 сўм.***

12-ЛОТ. Бухоро вилояити, Шофиркон тумани, Ш.Хамроев ҚФЙ, Хавлипоён қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 49,5,0 кв. метр, қурилиш майдони 45,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 12 238 000 сўм.***

13-ЛОТ. Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Мазлахон Чандир ҚФЙ, Чандир қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 48,0 кв. метр, қурилиш майдони 48,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 14 800 000 сўм.***

14-ЛОТ. Бухоро вилояти, Когон тумани, Зарафшон ш/х, Уйрот қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 48,0 кв. метр, қурилиш майдони 48,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 13 999 000 сўм.***

15-ЛОТ. Бухоро вилояти, Когон тумани, Сиёз-поён ҚФЙ, Сиёз-поён қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 20,46 кв. метр, қурилиш майдони 20,46 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 6 537 000 сўм.***

16-ЛОТ. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Зандани ҚФЙ, Хоркаш қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 71,1 кв. метр, қурилиш майдони 71,1 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 18 064 000 сўм.***

17-ЛОТ. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Навоий ҚФЙ, Кудрашех қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 52,8 кв. метр, қурилиш майдони 52,8 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 16 412 000 сўм.***

18-ЛОТ. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Ибн Сино ҚФЙ, Янгигул қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 24,0 кв. метр, қурилиш майдони 24,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 6 644 000 сўм.***

19-ЛОТ. Бухоро вилояти, Пешку тумани, Чибогони ҚФЙ, Чалмагадой қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 53,76 кв. метр, қурилиш майдони 53,76 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 14 187 000 сўм.***

20-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Шўрча ҚФЙ, Кокиштувон қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 66,80 кв. метр, қурилиш майдони 66,80 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 16 113 000 сўм.***

21-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Шўрча ҚФЙ, Ёмғир қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 865,3 кв. метр, қурилиш майдони 202,9 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 68 064 000 сўм.***

22-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ, Новфач қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 95,16 кв. метр, қурилиш майдони 95,16 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 23 332 000 сўм.***

23-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ, Калайчорбоғ қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 94,05 кв. метр, қурилиш майдони 94,05 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 23 055 000 сўм.***

24-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Қўрғон ҚФЙ, Миёнсарой қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 93,2 кв. метр, қурилиш майдони 93,2 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 27 389 000 сўм.***

25-ЛОТ. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ромитан ҚФЙ, Гараншо қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 96,0 кв. метр, қурилиш майдони 96,0 кв. метр бўлган АТС биноси — ***Бошланғич баҳоси 32 176 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 08.09.2014 йилга қадар соат 10.00.дан 16.00.гача қабул қилинади. (13.00.дан 14.00.гача тушлик).

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "REALTOR-CONSULTING GROUP" MChJ Buxoro filiali, х/р: 20208000500234536002, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"и, МФО: 00115, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Аукцион ташкилотчиси — "REALTOR-CONSULTING GROUP" MChJ Buxoro filiali 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0170, Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz, e-mail: rc.group@inbox.ru, тел: + 99865 221-59-24.

Бугунги кунимизни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мушкул. Чунки, кўзимиз илғаган, қулоғимиз эшитган барча нарсалар электрон шаклга айланиб бормоқда. Фикримизни далиллаш сифатида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассисларини тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалига йўл олдик. Филиал директори Аҳром НИШОНОВни излаб, қабулхонага кирганимизда, домланинг дарс ўтаётганлигини айтишди. Аудиторияга секингина кириб дарс жараёнини кузатдик.

Ал-Хоразмий ВОРИСЛАРИ

Машғулот тугагач, домла билан яқиндан танишиб олдик.

— Нимага бу соҳа бўйича айнан Хоразмни танлагансизлар?

— Нимагаки, довруғи бутун дунёга овоза бўлган бобомиз Ал-Хоразмий айнан шу заминда етишиб чиққан. Аждодларимизнинг билим ва истеъдоди бу ерда ўсиб келаётган ёшларимиз қонида бор. Уларнинг зукколиги ва зеҳни ўткирлиги мени доим ҳайрон қолдирган. Буни ўз амалиётимда кўп маротаба синаб кўрганман. Шунинг учун ҳам виртуал таълим тизимини Хоразмда жорий этишга қарор қилдик.

Бундай таҳсинга лойиқ гапларни эшитиш барчага мароқли бўлса керак. Вилоятимизда сўнгги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотлар беихтиёр киши кўнглига завқ бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам университетга киришингиз билан баҳридилингиз яйрайди. Филиал замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган. Кираверишда катта монитор ўрнатилган. Талабалар катта танаффус пайтда телеэкранда намойиш этилаётган лавҳаларни томоша қилиш имкониятига эга. Семинар-тренинг хоналарида эса энг сўнгги русумдаги компьютерлар, интерактив доскалар ва бошқа шароитлардан унумли фойдаланишлари мумкин.

Суратда: ТАТУ Урганч филиали директори Аҳром НИШОНОВ машғулот пайтида.

— Мен бу даргоҳда таҳсил олаётганимдан бахтиёрман. Айниқса, ўз касбининг моҳир педагоглари дарсларини тинглаш мароқли. Аҳром Ҳасанович бизни ўз фарзандидек тарбия этиб, назорат қилади. Бундан ташқари, мутахассислик фанлари инглиз тилида олиб борилади, назорат ишларимиз эса электрон шаклда топширилади ва текширилади, — дейди ТАТУ Урганч филиалига грант асосида қабул қилинган 3-босқич талабаси Бунёдбек Жуманазаров.

Филиалда жами 55 нафар иқтидорли талаба бўлиб, уларга қўшимча дарс машғулотлари қўйилган. Ёшларга йўналишларига мос равишда маърузалар қилинади. Бундан ташқари, турли кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Филиалда талабалар тўрт — компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими йўналишлари бўйича таҳсил олишади. Ҳозирги кунда масканда 583 нафар бакалавр, 8 нафар магистр, жами 591 нафар талаба таълим олмоқда. 2014-2015 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича давлат гранти асосида 60 нафар, тўлов-контракт асосида 120, жами 180 нафар абитуриентни қабул қилиш режалаштирилган. Филиалда 43 нафар педагог талабаларга дарс беришади. Бундан ташқари, соҳа корхоналарининг етакчи мутахассислари ҳам ўқув машғулотларига жалб қилинган.

Маскан битта ўқув биносидан иборат бўлиб, унинг барча қаватларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия соҳасини ёритиб турувчи деворий ва кўргазмали стендлар жой олган. Маънавий-маърифий ишлар, йўналишлар бўйича ўтказиладиган турли тадбирлар режа асосида олиб борилади. "Соғлом бола йили Давлат дастури" асосида филиалнинг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларининг "Биз мустақиллик фарзандларимиз!" шиори остида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига сайёҳатлари уюштирилади. Ёшлар бу ерларнинг зиёратгоҳлари, музейлари, тарихий ва меъморий обидалари билан яқиндан танишиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлишади. Ахборот-ресурс маркази ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда талабаларнинг илмий-сиёсий дунёқарашини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда янги китоблар тақдимотлари ва турли бадиий-китобхонлик кечалари режа асосида ўтказиб келинади.

Нилуфар ЖАББОРОВА
Хоразм вилояти

Beelineнинг

II ярим йилликда тармоқ ривожлантирилишига йўналтирилган инвестициялар миқдори $30 000 000дан ошди

Beeline мобил алоқа операторининг ушбу йилнинг дастлабки олти ой мобайнида тармоқ ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар миқдори 31 млн. АҚШ долларига етди. Beeline абонентларининг сони июн ойининг сўнгига қадар 10 434 000 нафарга етди.

Ўзбекистонда йил давомида EBITDA кўрсаткичи (асосий воситаларнинг ишдан чиқиши, номоддий активлар амортизацияси ва активларнинг қадрсизланиши билан боғлиқ зарарларни айириб ташлашгача бўлган операцион фойда) йил давомида 6 фоизга ўсди. Бунда операцияларнинг маржиналлиги 64,2 фоизгача 0,5 фоизлик пунктга пасайди.

Beelineнинг Ўзбекистондаги абонентлар базаси апрел-июн ойларида 10 434 000 кишини ташкил қилди. Шундай қилиб, йил давомида абонентлик шартномаларининг ўсиш кўрсаткичи қарийб 232 000ни ташкил қилди (+2%).

II чорак якунларини шарҳлар экан, Unitel МЧЖ Бош директори Александр Воробёв шундай деди: "Beeline тармоғининг кенгайтирилиши давом этмоқда, 2014 йилда қурилиши режалаштирилган база станцияларининг асосий қисми III ва IV чораклларга тўғри келади. Ишонаман, ускуналар ва инновацияларга йўналтирилган инвестициялар ишончли алоқа сифатини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон бозорида компаниянинг мавқеини сақлаб қолади".

Шоҳруҳ САИДОВ

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"O'ZBEGIM TULPORI" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003227 рақамли;

"AXMEDOV HASAN DAVRONOVICH" хусусий корхонасининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004146 рақамли;

"MUKAMMAL XAMKOR QURUVCHI" масъулияти чекланган жамиятининг (Фарғона вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003793 рақамли;

"NEWEST IT SOLUTIONS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003384 рақамли;
- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003449 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 1 августдан тугатилди.

Xiaomi компанияси Ҳиндистонда 2 сония ичида 15 мингта Mi3 смартфонини сотди.

ДУШАНБА — 11 АВГУСТ

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Жанубий Америка табиати". Ҳ/ф.
7.25 "Иқлим".
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 "Ер сайёраси". Ҳ/ф.
9.30 "Кўнгил ободлиги".
9.55 "Иқлим".
10.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
10.35 "Андерсен эртаклари". М/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мен ва У. "
13.25 "Юртим таровати".
13.35 "Иқлим".
13.40 "Юрган - дарё. "
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.35 Миллий сериал: "Имтиҳон".
15.05 "Ҳаёт". Ҳ/ф.
15.30 "Иқлим".
15.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Ўзбек модели".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Эркин фикр".
17.20 "Иқлим".
17.25 "Агроолам".
17.40 "Аёл ва замон".
18.00 "ТВ-шифокор".
18.05 "Кўнгил қўшиқ истайди".
18.15 "Қорачиқ".
18.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Эркин ва обод Ватан". 1-қисм.
18.55 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот"/рус/.
20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар.
20.50 "Истиқлол солномаси".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.20 "Кўнгил қўшиқ истайди".
22.30 "Шаҳар четидаги шифохона". Т/с.
23.20 -23.45 "Жанубий Америка табиати". Ҳ/ф.
23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 "Юртим таровати".
00.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигига. "Эркин ва обод Ватан". 1-қисм.
00.20 Миллий сериал: "Опа-сингиллар.
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 Миллий сериал: "Имтиҳон".
2.00 "Шарқ тароналари".
2.15 Телетеатр: "Бир кошона сирлари". 1-қисм.
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи".
5.10 "Мен ва У. "
5.35 - 5.55 "Юрган - дарё. "

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тараннум".
7.00 "Зумраша"
7.10 "Мультипанорама"
8.00 "Гумбаз остида". Т/с.
8.50 "Ёшлик наволари".
9.10 "Эгизаклар". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Фидойилар". Т/с.
10.50 "Мардлар мактаби".
11.10 "Мўъжизавий дунё".
12.00 "Чархпалак". Т/с.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Испан афсонаси". Т/с.
14.30 "Панда". Ҳ/ф. 1-қисм
14.50 "Йўл сабоқлари"
15.10 "Миллий мультфильм"
15.30 "Биз киммиз?"
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Атлантида". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Оқибат". Б/ф. 1-қисм.
19.00 "Давр".
19.30 "Алиса". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
20.50 "Аскар". Т/с.
21.40 "Ёшлик наволари".
22.00 "Давр".
22.30 "Испан афсонаси". Т/с.
23.40 "Боқий булоқлар". Ҳ/ф.
00.00 "Шарқ гавҳари".
00.30 "Мўъжизавий дунё".
1.20 "Мардлар мактаби".
1.40 "Биз киммиз?"
2.00 "Афсона ва ҳақиқат".
3.00 "Жаҳон мусиқаси".
4.30 "Камолот-инфо".
4.40 "Атлантида". Т/с.
5.30-6.00 "Давр".

ТОШКЕНТ

5.00 "Салом, Тошкент!"
6.00 "Телетаҳлил".
6.25 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари". Т/с. 1-қисм.
7.00 "Пойтахт".
7.25 "Навоий махзани".
7.30 "Тошкент тароналари".
7.40 "Интеллектуал аукцион".
7.50 "Соз сеҳри".
7.55 "Ким эдигу ким бўлдик?"
8.00 "Салом, Тошкент!"
9.00 Мультсериал: "Винни Пух". 7-қисм.
9.30 "Интервью".
9.40 "Бахт маликаси". 6-қисм.
10.15 "Камер оркестрининг концерти".
10.30 "Пойтахт". /Рус тилида/.
10.40 "Эртамиз эгалари".
11.00 "Орзу ортида". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00 "Дунё" теледастури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Ўғай она". 5-қисм.
16.00 "Пойтахт-шаҳарлар".
16.10 "Интеллектуал аукцион".
16.20 Мультсериал: "Флиппер ва Лопака". 10-қисм.
16.45 "Бизнес-пойтахт".
16.50 "Икки дугона". Т/с. 24-қисм.
17.15 "Эко-пойтахт".
17.30 "Интервью".
17.40 "Холис назар".
18.00 "Пойтахт йўлларида".
18.30 "Пойтахт".
18.55 "Бахт маликаси". Т/с. 7-қисм. /Премьера/.
19.30 "Тошкент тароналари".
19.40 "Теле-маркет".
19.55 "Навоий махзани".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Ўғай она". Т/с. 6-қисм. /
21.15 "Пойтахт- шаҳарлар".
21.20 "Ким эдигу ким бўлдик?"
21.30 "Теле-маркет".
21.45 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари". Т/с. 2-қисм.
22.30 "Пойтахт". /Рус тилида/.
22.50 "Один прекрасный день". Ҳ/ф.
00.20 "Все о туризме".
00.50 "Письмо королю". Ҳ/ф.
2.35 "Великий потоп". Д/ф.
3.30-5.00 "Муҳаббат фавворaси". Б/ф.

SPORT

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.25 "Sport Test".
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 "Менинг танловим".
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 АНОНС.
8.35 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. БУНЁДКОР" - "МАШҲАЛ".
10.15 АНОНС.
10.20 "Орзулар кемаси".
10.50 "Sport rekordlari".
10.55 Велоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
13.00 "Мундиал -2014" якунлари.
13.50 "Техно -спорт".
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 "Sport ensiklopediya".
14.20 "Шоҳсупага йўл".
15.00 Теннис. ATP\WTA турнири.
16.05 АНОНС.
16.10 ИНТЕРФУТБОЛ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.25 "Спорт -превью".
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Техно-спорт".
19.05 "Sport rekordlari".
19.10 "Олимп сари".
19.30 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати.
20.30 "СПОРТ- МАРКЕТ".
20.35 "Футбол шарҳи".
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.35 "Sport ensiklopediya".
23.40 "Маҳорат мактаби".
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 "Олимп сари".
2.40 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш. Жаҳон чемпионати.
3.40 Велоспорт.
4.40 АНОНС.
4.45 - 5.50 Теннис. ATP\WTA турнири.

